

2023 йил “27” декабрдаги
РС-60-23-сонли Раёсат қарори
билин тасдиқланган

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2024 йил биринчи ярмига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар	Муддати	Масъуллар
1. Умумий масалалар			
1.1	Республика судларининг ҳамда Олий суднинг 2023 йил иккинчи ярмидаги иш фаолиятини таҳлил қилиб, натижаларини Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиш.	январь	Раиснинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, Аппарат раҳбари, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.2	Ўзбекистон Республикаси ЖПК, ФПҚ, ИПҚ, МЖТҚ ва МСИЮтҚга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан келиб чиқсан ҳолда Олий суд ва қўйи судларда иш юритувга оид бўлган ички меъорий хужжатларни хатловдан ўтказиш ҳамда уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	январь-февраль	Ш.Полванов, Аппарат раҳбари, Судлов ҳайъатлари, ОССҚТҚ департаменти, Ташкилий-назорат бошқармаси, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
1.3	Маъмурий судлар томонидан оммавий-хуқуқий муносабатларга оид низоларни кўриб чиқиш жараёнига дастлабки эшитув институтини жорий этишга қаратилган норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегишли тартибда киритиш.	январь-февраль	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, ОССҚТҚ департаменти

1.4	ШХТга аъзо давлатлар Олий судлари раисларининг 2024 йилда ўтказилиши мўлжалланган навбатдаги XIX мажлиси ҳамда Ўзбекистон Олий суди ташкил этилганининг 100 йиллигига бағишлиланган тадбирларни ўтказиш бўйича чораларни амалга ошириш.	Олий суд раисининг 24.05.2023 йилдаги 14-сонли фармойиши асосида	Раис ўринбосарлари, Ишчи гуруҳи аъзолари
1.5	Хорижий судьялар тажрибасидан фойдаланган ҳолда оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликда ўз адолати билан ижобий имидж яратадиган миллий судьялар орасидан “Энг адолатли судья” сиймосини гавдалантириш чораларини кўриш.	алоҳида режа асосида	Р.Махмудова, Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази, Кадрлар бошқармаси
1.6	Аҳолига суд қарорлари мазмун-моҳиятини тўғри етказиш мақсадида суд қарорлари намуналарини ўзида мужассам этган “Суд хужжатлари намунаси” китобини тайёрлаш ва чоп этиш.	февраль- май	Р.Махмудова, раис ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари, ОССҚТҚ департаменти
1.7	Судлар фаолиятига электрон хужжат айланишини таъминлаш мақсадида маҳсус тизим ишлаб чиқиш ва уни жорий қилиш.	март- май	Ҳ.Турахужаев, Аппарат раҳбари, АҚТ ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси
1.8	Судлар томонидан давлат божини ундириш бўйича суд амалиётида юзага келаётган муаммоларни таҳлил қилиб, хорижий тажрибани ўрганган ҳолда таҳлилий маълумотномалар тайёрлаш, натижаси бўйича лозим бўлса амалдаги қонунчилик хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	апрель	Ш.Полванов, Судлов ҳайъатлари, ОССҚТҚ департаменти, Ташкилий-назорат бошқармаси
1.9	Юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида фаолият юритаётган таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари ўртасида уларнинг ихтисослигидан келиб чиқиб “Бўлажак судья” номинациясида танловлар ташкил этиш ва ўтказиш. Танлов ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	апрель- май	Р.Махмудова, Аппарат раҳбари, Кадрлар бошқармаси, Ташкилий-назорат бошқармаси

1.10	Вилоятлардаги олий таълим муассасаларининг хуқуқшунослик факультетлари билан алоқалар ўрнатиш ҳамда талабаларни “Бўлажак суд ходимлари” клуби доирасида суд тизимиға ишга жалб қилиш чораларини кўриш.	май-июнь	Аппарат раҳбари, Кадрлар бошқармаси
1.11	“Ўзбекистон-2030” стратегиясини 2024 йилда амалга ошириш бўйича давлат дастурида белгиланган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва тегишли тартибда киритиш.	дастурда белгиланган муддатларда	Ш.Полванов, ОССҚТҚ департаменти
1.12	Суд обьектларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари натижалари ва ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ҳамда мақсадли ўзлаштирилишини обьектларга чиқиб ўрганиш, натижаси бўйича Олий суд раисига ахборот киритиш.	ҳар чорак якуни бўйича	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
1.13	Судьялик касбининг аҳамияти, унинг ўзига хос мешақатларини аҳолига тўғри ва холисона етказиш мақсадида қисқа метражли фильм тайёрлаш ва эфирга узатиш.	май-июнь	Ҳ.Турахужаев, Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази
1.14	Судлар фаолиятини тўғри ва холисона, қонун талаблари доирасида ёритишни таъминлаш мақсадида журналистлар ва блогерлар учун маҳсус ўқув курсларини ташкил этиш.	июнь	И.Муслимов, Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази
1.15	Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси билан ҳамкорликда эл-юрт хурматига сазовор бўлган суд фахрийлари, судьялар ҳамда ёшлар билан “Уч авлод учрашуви” тадбирларини ўтказиш.	январдан бошлаб, ҳар ой бир маротаба	Р.Махмудова, Аппарат раҳбари, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Кадрлар бошқармаси
1.16	Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, судлов ҳайъатлари ҳамда туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари иштироқида видеоконференцалоқа режимида ўқув семинарлари ўтказиш.	алоҳида режа асосида	Раиснинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлар, Судлов ҳайъатлари

2. Халқаро-хуқуқий муносабатларга оид масалалар			
2.1	Халқаро хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар академияси (ILEA) томонидан Будапешт шаҳрида (Венгрия) ташкил этилаётган “Судьялар ва прокурорлар” мавзусидаги ўқув тренингда Ўзбекистон Республикаси Олий суди вакиллари иштирокини таъминлаш.	февраль	Халқаро-хуқуқий бўлим
2.2	АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) “Суд тизимини мустаҳкамлаш” (JSSA) лойиҳаси билан ҳамкорликда суд-хуқуқ соҳасидаги долзарб масалаларга бағишиланган тадбирлар ўтказиш.	январь-июнь	Халқаро-хуқуқий бўлим
2.3	Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг “Марказий Осиё мамлакатларида хуқуқий давлатчилик йўлида ҳамкорлик” қўшмадастури доирасида маъмурий судлар судьялари учун маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги долзарб масалаларга бағишиланган тадбирларни ташкил этиш.	январь-июнь	Халқаро-хуқуқий бўлим
3. Олий суд Раёсати муҳокамасига киритиладиган масалалар			
3.1	2023 йил 4-чорагида судлов ҳайъатларида ишларни кассация инстанциясида кўрилиши бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва Раёсат муҳокамасига киритиш.	январь	Раис ўринbosарлари, судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.2	Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг 2023 йилда судларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш борасида амалга оширилган фаолияти ҳақида ахборотни Раёсат муҳокамасига киритиш.	январь	Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.3	2024 йил 1-чорагида судлов ҳайъатларида ишларни тафтиш инстанциясида кўрилиши бўйича суд амалиёти обзорини тайёрлаш ва Раёсат муҳокамасига киритиш.	апрель	Раис ўринbosарлари, судлов ҳайъатлари, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими

3.4	2022 ва 2023 йилларда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш орқали амалга оширилган харидлар билан боғлиқ ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	март-апрель	Ш.Полванов, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.5	Судлар томонидан 2023 йилда маъмурий қамоқقا олинган шахсларнинг махсус қабулхонада сақланиши билан боғлиқ харажатларни ундириш бўйича суд амалиётини умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	апрель	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.6	Судлар томонидан 2023 йилда вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундириш ҳамда алиментларни олдиндан тўлаш ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлашда гаров тақдим этиш учун қарорларни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш билан боғлиқ кўрилган ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	апрель	Ҳ.Турахужаев, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.7	2022-2023 йилларда маъмурий судларда кадастр органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	апрель-май	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.8	2023 йилда сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича солиқ органлари томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан низолашиш ҳақида кўрилган маъмурий ишларни умумлаштириш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	май-июнь	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
3.9	Андижон, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари судларининг 2023 йил ва 2024 йил ўтган давридаги одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиш, натижасини Раёсат муҳокамасига киритиш.	февраль-июнь	Р.Махмудова, Ишчи гуруҳи аъзолари

4. Олий суд Пленуми мұхокамасига киритиладиган масалалар			
4.1	“Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция ва кассация тартибида күриш амалиёти түғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мұхокамасига киритиш.	январь-март	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.2	“Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида күриш амалиёти түғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мұхокамасига киритиш.	январь-март	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.3	“Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни апелляция ва кассация тартибида күриш амалиёти түғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мұхокамасига киритиш.	январь-март	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.4	“Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида күриш амалиёти түғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мұхокамасига киритиш.	январь-март	Ҳ.Турахужаев, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.5	“Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция ва кассация тартибида күриш амалиёти түғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мұхокамасига киритиш.	январь-март	Ш.Полванов, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.6	“Судлар томонидан маъмурий ишларни тафтиш тартибида күриш амалиёти түғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мұхокамасига киритиш.	апрель-июнь	Р.Махмудова, Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими

4.7	“Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мухокамасига киритиш.	апрель-июнь	И.Муслимов, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.8	“Судлар томонидан фуқаролик ишларини тафтиш тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мухокамасига киритиш.	апрель-июнь	Ҳ.Турахужаев, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими
4.9	“Судлар томонидан иқтисодий ишларни тафтиш тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳасини Пленум мухокамасига киритиш.	апрель-июнь	Ш.Полванов, Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Пленум ва Раёсат котибияти бўлими